

Нуробод тумани

« 5 » « январ » 2022 йил

« Оксой нон » ХК, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи М.Самизода номидан, бир томондан ва Нуробод туман мактабгача таълим бўлими кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Д.Амирова номидан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

Т/Р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Сигир сути	Литр	1300	6500	8 450 000
2	Қолипли нон 500гр	Дона	1200	1500	1 800 000
ЖАМИ:					10 250 000

ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

- 2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси суммаси 10 250 000 (Ўн миллион икки юз эллик минг) сўмни ташкил этади.
- 2.2. Сотиб олинган товар (маҳсулот) учун олдиндан тўлов миқдори 15 % ни ташкил қилади.
- 2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг ҳуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан ўзига етказилган зарарларнинг қопланишини талаб қилиш.

Сотиб олувчи конун ҳужжатларида белгиланган асосларсиз маҳсулот етказиб берувчи-сотувчидан товарни қабул қилиб олмаган ёки товарни рад этган ҳолларда маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи сотиб олувчидан товар ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

3.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- 3.2.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
- 3.2.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
- 3.2.3. Сотувчи тўпلامда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
- 3.2.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
- 3.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:
 - сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
 - шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
 - шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
 - учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни талаб қилиш

3.4. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

- 3.4.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
- 3.4.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
- 3.4.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

- 4.1. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инobatга олинаши зарур.
- 4.2. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва куйидаги миқдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида , тез бузиладиган товарлар бўйича эса-10 % миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. Агар етказиб берилган товарлар сифати ,ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар қийматининг , шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.
- 5.4. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0.4 % миқдорида, лекин кечиктирилган тулов суммасининг 50 % дан ортик булмаган миқдорда пена тулайди.
- 5.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пена тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50% дан ошиб кетмаслиги лозим.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарк товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 6.1. Мазкур шартнома имзоланган пайтдан 2022 йил «31» декабргача амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
 - томонларнинг келишувига мувофиқ;
 - Ўз.Р. конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
 - Форс-Мажор ҳолатларида

- 7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иқтисодий суд тартибида ҳал қилинади
- 7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда Иқтисодий судда ҳал қилинади.

8. ФОРС – МАЖОР

- 8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартибузарликлар ва бошқа табiiй офатлар) форс-мажор туфайли бажарилиб бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.
- 8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмас томонлар Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисидаги” ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

9. БОШКА ШАРТЛАР

- 9.1. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.
- 9.2 Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 9.3 Мазкур 10 250 000 сўмлик, № 10-сонли шартнома 2022 йил « 5 » январда 2 нусхада тузилган шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Нуробод туман бўйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кирди

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«Сотиб олувчи»

« Оксой нон » ХК

Нуробод мактабгача таълим бўлими

(мол етказиб берувчининг номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил Нуробод тумани

Манзил: Нуробод шаҳри

х/р 20208000400512654001

Тел./факс 633-16-17

МФО 00740

ш/х* 100022860182357091100251001

ИНН 303475941

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 207266544

ОКОНХ 84119

Оқонх

Нуробод тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Нуробод Халқ банк

Банкнинг номи Тошкент Марказий банк ХККМ

МФО 00014

Ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар

М.Самизода

Рахбар

Д.Амирова



« 5 » январ 2022 йилдаги № 10 - сонли шартноманинг 2-варағи

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: №10-sonli oldi-sotdi shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Nurobod tuman maktabgacha ta'lim bo'limi 19.01.2022 yilda tuman YuXKMga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

2022 yil 20 yanvar

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi

Bosh yuriskonsulti



Sh.Shoropov

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Нуробод туман мактабгача таълим бўлими

муdiri Д.Амирова

2022 йил «5» «январ»

Нуробод туман мактабгача таълим бўлимига карашли мактабгача таълим ташкилотлари учун нон ва сут маҳсулотлари харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

БАЁНИ № 2

2022 йил «5» «декабр»

Нуробод тумани

Раислик қилувчи
Иштирок этдилар

Рахбар Д.Амирова
Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Нуробод туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга нон ва сут маҳсулотларини сотиб олиш бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган.

Йиғилишда мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган озик-овқат маҳсулотларининг тур, ўлчам ва нархлари урганилиб чиқилди. Хусусан, доимий ишловчи танлов (тендер) комиссияга қўйидаги етказиб берувчилар томонидан тижорат таклифлари тақдим қилинган:

- Нуробод туманида жойлашган «Шохрухжон Омад Савдоси» Х/К томонидан 2021 йил «29» «декабр»даги № 385 сонли хат билан;

- Нуробод туманида жойлашган «Оқсой нон» Х/К томонидан 2021 йил «30» «декабр»даги № 10 сонли хати билан

- Нуробод туманида жойлашган «Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» О/К томонидан 2021 йил «30» «декабр»даги № 143 сонли хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

“Корхоналар томонидан нон ва сут маҳсулотлари харид қилиш сифатли ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, (хар бир туман бўлини масида) уларни жойлаштириб туриш кафолати берилган”.

№	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат) нархи	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ		
					«Шохрухжон Омад Савдоси» Х/К	«Оқсой нон» Х/К	«Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» О/К
1	Сигир сути	Литр	1300	6800	6800	6500	6700
2	Қолипли нон 500гр	Дона	1200	1700	1700	1500	1600
ИТОГО:							

“Комиссия аъзолари томонидан бюджет маблағларини максимал иқтисод қилиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида «Оқсой нон» Х/К имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди» йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва уларни олингунга қадар оморларда тўлиқ саклаб туриш, корхоналарнинг яқин-узуклиги, транспорт харажатларини хар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Туман мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги МТТларга нон ва сут маҳсулотларини сотиб олиш учун:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;

- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаши сабабли «Оқсой нон» Х/К томонидан нон ва сут маҳсулотлари етказиб бериш ишларини бошлашига қарор қилади.

2. «Оқсой нон» Х/К дан нон ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

3. «Оқсой нон» Х/К дан нон ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида тузиладиган хўжалик шартномалари лойиҳалари икки томонлама жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертзасидан ўтказиш белгилансин. Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ икки томонлама хўжалик шартномаси тузилсин.

4. «Оқсой нон» Х/К дан нон ва сут маҳсулотларини етказиб бериш ишларини бажариш бўйича Нуробод туман мактабгача таълим муассасалари ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертзасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Нуробод тумани Ҳазначилик бўлини маси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

Нуробод тумани Ҳазначилик бўлини масига 20 кун муддат ичида хўжалик шартномалари билан биргалликда, қуйидагилар тақдим этилсин:

- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;
- мазкур комиссия йиғилиши баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;
- икки томонлама, «Оқсой нон» Х/К томонидан жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган адвокатлар ёки юристлар алоҳида юрист хулосалари;






- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган лицензия;

- йўриқномаларда белгиланган бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим қилинсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати Ғ.Хидоятлов га юклатилсин.

Ғ.Хидоятлов		Комиссия аъзоси
Ш.Аллабердиев		Комиссия аъзоси
Х.Хидиров		Комиссия аъзоси
А.Ортиқов		Комиссия аъзоси
Э.Суюнов		Комиссия аъзоси

Нуробод туман мактабгача таълим бўлимига

Нон ва сут маҳсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига



ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган «Шохрухжон
Омад Савдоси» Х/К

ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

«Шохрухжон Омад Савдоси» Х/Книнг болалар овқатланиши учун

етказиб берадиган нон ва сут маҳсулотлари номлари ва нархлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Сигир сути	литр	6800
2	Қолипли нон 500гр	шт	1700

Нуробод туманида жойлашган «Шохрухжон Омад
Савдоси» Х/К раҳбари:



М.Хайитова

Нуробод туман мактабгача таълим бўлимига

Нон ва сут маҳсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига



ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ

Нуробод туманида жойлашган "Оқсой нон"
Х/К

ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ

"Оқсой нон" Х/К нинг болалар овқатланиши учун

етказиб берадиган нон ва сут маҳсулотлари номлари ва нархлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Сигир сути	литр	6500
2	Қолипли нон 500гр	шт	1500

Нуробод туманида жойлашган "Оқсой нон" Х/К
раҳбари:



 М.Самизода

Нуробод туман мактабгача таълим бўлимига

Нон ва сут маҳсулотлари хариди бўйича доимий ишловчи танлов комиссиясига



ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ


Нуробод туманида жойлашган «Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» О/К

**ХАРИДЛАР БУЙИЧА ТАКЛИФ
МАЪЛУМОТ**

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Нархи
1	Сигир сути	литр	6700
2	Қолипли нон 500гр	шт	1600

Нуробод туманида жойлашган «Исломбек-Усмонжон Бизнес Барака» О/К раҳбари:



 З.Йўлдошева